

ЖАЛҚ ВА ҲАЁТ



ЕРГА МЕҲР БЕРИБ, ЭЪВОЗ ТОПАЁТГАНЛАР

Хабарингиз бор, Президентимизнинг таклифига кўра қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда декабрь ойининг иккинчи яқшанбаси мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини деб эълон қилинди.

Ушбу сана муносабати билан туманимиз марказидаги "Океан" ресторанида қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермерлар, боғбону соҳибдорлар, соҳага хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлардан таклиф этилган ходимлар иштирокида тадбир ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада).

“Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ЭНДИ ОЛИС ҚИШЛОҚДА ҲАМ БОҒЧА ҚУРИЛАДИ

Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов Олтинсой туманидаги "Хўжайпок" санаторийи мажлислар залида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви лойиҳаси доирасида секторлар ҳамда мутасадди ташкилот ва корхоналар, бошқармалар раҳбарлари иштирокида олтинсойлик ёшлар билан учрашди.

ли замонавий, ичмам ва барча шарт-шароитларга эга бўлган болалар боғчаси қурилиши бўйича мутасаддиларга топширик берди.

Вилоят ҳокими билан учрашувда дастлаб туманнинг "Қўшарча" маҳалласида яшовчи Абдусомит Мелибоев 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш масаласида ёрдам беришларини сўраб, мурожаат қилди.



(Давоми 2-саҳифада).



баҳор ойларида сел хавфи мавжудлиги юзасидан қилган мурожаатига амалий жавоб олди. Мутасаддилар фикрига кўра, улар яшаётган ҳудудда сел хавфи мавжудлиги, уларни кўчириш борасида ФВБ томонидан оғоҳлантирилганини ҳисобга олиб, уларга янги уй-жой қуриш учун жой ажратиш борасида мутасаддиларга кўрсатма берилди.


"Обод турмуш" маҳалласидаги 14-мактаб ўқувчиси Хуршида Тожимуродованинг ташаббусидан вилоят ҳокими мамнунланди. Хуршида китоб бўйича танловларнинг туман ҳамда вилоят босқичларини ўтказиш баробарида китобхонлар сонини кўпайтириш имкони мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ЁШЛАР ВА АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Яқинда туман ҳокимлигининг мажлислар залида Халқ депутатлари туман Кенгашининг йигирма биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида туман кенгаши депутатлари ва таклиф этилган туман фаоллари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.



Сессияда учта масала кўриб чиқилди. Сессия аввалида, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Олтинсой тумани бўлими бошлиғи Аслиддин Хуррамовнинг Олтинсой туманида "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни касб-хунарга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва муаммоларини ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида маъруза қилди.



Шунингдек, туман кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6110-сонли фармони ижроси ҳақида Олтинсой туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Мамаюсуф Кучаровнинг маърузаси тингланди.

А.ОДИНАЕВ.

Яқинда туманимиздаги 15-сонли Болалар музыка ва санъат мактабининг мажлислар залида туман ҳокими А.Джумаев, туман ИИБ бошлиғи О.Жиянов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олтинсой туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Х.Астанақулловлар мурожаат билан келган 60 нафарга яқин фуқароларни қабул қилди.

МУАММОЛАРГА ЕЧИМЛАР ТОПИЛДИ

Фуқаролар мурожаатлари бевосита масалага алоқадор корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва мутасаддилар иштирокида эшитилиб, ҳар бир масалага ечим изланди.

Жумладан, "Қурама", "Бўстон", "Тўхтамиш" маҳаллаларидан келган фуқаролар электр, газ ва сув таъминотини яхшилаш борасидаги мурожаатларига ижобий олганликларидан мамнун бўлишди.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

МУАММОЛАРГА ЕЧИМЛАР ТОПИЛДИ



"Тўхтамиш" маҳалласидан ташриф буюрган фуқаро А.Мараҳимовнинг кредит борасидан эса масъулларга муҳлат белгиланди.

даги сўрови туман "Агробанк" маъмурияти томонидан ҳал этилди.

Қабулга келган фуқароларнинг жойида ҳал қилиш имкони бўлган мурожаат ва сўровлари шу ернинг ўзида ҳал қилиниб, ўрганиш ва ҳал этиш вақт талаб қилмайдиган мурожаатлар юзасидан эса масъулларга муҳлат белгиланди.

Ўз мухбиримиз.

ОЛТИНСОЙДА "СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН – БЕШ МИНГ ҚАДАМ" МАРАФОНИ

Ҳозирги кунда Олтинсой туманида эрта тонгда "Соғлом ҳаёт учун -5000 қадам" шiori остида туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман ИИБ, ёшлар, ташкилот, муассасалар раҳбар ходимлари ҳамда кўплаб кўнгилли аҳоли иштирокида юриш марафони ўтказилди.



Туманнинг "Қоратеп" маҳалласида бошланган янги йўл бўйлаб "Соғлом ҳаёт учун-5минг қадам" марафони қатнашчилари "Бўстон" маҳалласигача бўлган 5 минг қадамни босиб ўтишди.

Ҳар ҳафтанинг шанба тонгда бошланаётган "Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам" шiori остидаги марафон иштирокчилари сони ортмоқда.

Г.ХУДОЙБЕРДИЕВА.

«ХАЛҚ ВА ҲАЁТ» ТАНИШТИРАДИ:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АГРОСНОАТ МАЖМУАСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИНING ОЛТИНСОЙ ТУМАН БЎЛИМИ БОШЛИГИ ТАШМИРОВ АБДИРАҲМАТ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

Абдирахмат Ташмиров 1962 йил 7 апрелда Шўрчи туманида таваллуд топган. Маълумоти олий, 1984 йилда Термиз давлат университетини, 1999 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини сиртдан тамомлаб, агрология ўқитувчиси мутахассислигини эгаллади.

У иш фаолиятини 1980 йилда Олтинсой туманидаги "Ширин" давлат хўжалигида катта ҳисобчиликдан бошлади.

А.Ташмиров 1985-1991 йилларда Олтинсой туманидаги агросаноат комплекси раиси ўринбосари, 1991-1998 йилларда Олтинсой туман ҳокимлиги назорат инспекцияси бошлиғи ўринбосари, 1998-2005 йилларда туман Деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси вакили директори, 2005-2006 йилларда Ўзбекистон фермер хўжалиқлари уюшмаси Сурхондарё вилояти фермер хўжалиқлари хизмат кўрсатувчи Олтинсой тумани маркази раҳбари, 2006-2018 йилларда тумандаги "Тошмир Қобилов" фермер хўжалиғи раҳбари, 2018-2019 йилларда туман Қишлоқ хўжалиғи бўлимининг қишлоқ хўжалиғи экинлари сектори бошлиғи, 2019-2020 йилларда туман Қишлоқ хўжалиғи бўлимининг ин-



рали меҳнат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи А.Вахабовнинг 2020 йил 1 декабрдаги № 258 ш-сонли буйруғига кўра, А.Ташмировнинг қишлоқ хўжалиғи тизимида узок йиллар ишлаб, тажриба орттирилганлиги ҳисобга олиниб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш Олтинсой туман бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

А.Ташмировнинг туманда қишлоқ хўжалиғи соҳасини янада ривожлантиришдаги ишлариға биз ҳам омад тилаймиз.

вестицияларни жалб этиш, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларнинг конъюктурасини таҳлил қилиш бўйича етакчи мутахассиси, вилоят қишлоқ хўжалиғи бошқармаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўлими бosh мутахассиси лавозимларида самарали меҳнат қилди.

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

ЖАРРОҲЛАРНИНГ ЎТА КАМТАР УСТОЗИ

(Олтинсойлик тажрибали хирург Хўшбоқ РАҲМОНОВнинг умр бўйи элга хизмат қилишдек қалб амрига бўйсуниб, бахту-саодат ва ҳурмату иззатга етишгани ҳақида)

(Давоми. Боши ўтган сонда). Энг гуллаган ёшлик чоғимда, Сен очилдинг кўнгил боғимда. Шунда кўзим кўрди баҳорни, Шунда қалбим таниди ёрни. Ҳамид Олимжон.

Ушанда 1975 йил эди. Хўшбоқ Раҳмонов Самарқанд медицина институтининг охириги курсида ўқир эди. Бир кун унга Бухордан хат келди. Хатда саломликдан сўнг шундай сўзлар ёзилган эди. «Ниятингиз жиддий бўлса, тезда ҳаракатингизни қилинг. Уйдагилар мени кўёвга беришмоқчи. Мазифа».



Унинг танаси бирдан музлаб кетди. Биров юрагини узиб олаётгандай бўлди. Дарҳол институт раҳбарларидан жавоб олиб, қанот боғ-орада иккови икки шаҳарга ўқишга кетишган эди. Аммо орадаги мактаблар қарвони узилмаганди. Уйдагиларга студент ўғилнинг танлови маъқул тушди. Тезда Мазифахонларнинг уйларига совчи юборилди.

(Давоми 3-саҳифада).

МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ

(ҲУЖЖАТЛИ БАДИИЙ ҚИССА)



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Жамоада Нормурод Темиров ҳақида «У бош муҳаррирининг энг ишончли, энг яхши кўрган одами» деган гаплар эшитила бошлади...

газетамизни адолат, ҳаққонийлик юксалтириб, обрў келтиривати. Тахририятга келаятган шикоят хатларининг сони тобора кўпайиб бораёпти...

Янги ишни ҳайратланарли тарзда йўлга қўйиб мазмунли, долзарб кўрсатувлар эфирга узатила бошланди. Зойир Мамажонов хуши турса, навбатдан ташқари йиғилиш чақираверарди...

Шунда 2007 йилнинг қиш кунлари эди. Муҳаррир хушида яна шундай йиғилиш чақирилди. Кутилмаганда бошлиқ Нормурод Темировни ўрнидан тургазди...

эса унга берилаётган ойлик маош урвоқ ҳам бўлмади. Саккиз ой чидаб ишлаган Нормурод Иқбол Мирзодан «Моҳият» республика газетасига ишга кетаётганлигини айтиб узр сўради...

ОНАНИНГ ИНТИЗОР КЎЗЛАРИ

Сафар қилсанг, оқ йўл болам, омон юр, Разилдан қоч ва оқиллар томон юр.

Йўлдош Эшбек

Нормуроднинг ўзидан кўнгли тўқ эди. Оллоҳ берган кун-гайрат, жисмоний соғлиги ва талантига қаттиқ ишонарди...



одамлардан бири бўласан.

Ичкиликдан узоқ юриш қахрамонимизни доимо кўлади. Ҳаёт йўлларида тойриниш, йиқилишни нари кўйинг, ҳатто суринмади.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

2011 йилнинг январь ойи этаклари эди. Январь бўлсада 3 кун кечая кундуз ёққан қор қўшининг бирданга чарқлаб кетишига бардош беролмай тезда эриб кетди.

Ушунинг учун ишда ҳамиша қатъиятли бўлишга, виждони буюрмаган чегарадан чиқмасди, чиқолмасди.

Шунинг учун ишда ҳамиша қатъиятли бўлишга, виждони буюрмаган чегарадан чиқмасди, чиқолмасди. Шунинг учун ишда ҳамиша қатъиятли бўлишга, виждони буюрмаган чегарадан чиқмасди, чиқолмасди.

«Ҳа, ичмайман. Шу сабил қолгувчи ҳаётда кўлга олмадим. Кейин бу тўрида менга отамнинг қаттиқ тайинлови бор.

(Давоми бор.) Жўра ҚОДИРОВ.

Янгиликлардан хабарингиз борми?

ПЕНСИЯГА ЧИҚМОҚЧИ БЎПСАНГИЗ

Республикамизда барча соҳаларда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тизимида ҳам кўплаб ислохотлар ўтказилмоқда.

ишловчи шахслар йилига энг кам иш ҳақининг 4,5 баравари, деҳқон хўжаликлари 4 сотихдан кам бўлмаган, ҳўжалигида қора мол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлайётган шахслар йилига республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорда ижтимоий тўловни амалга оширсалар, 1 йил иш стажига эга бўладилар.

ЗАРАРЛУНДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

ПОМИДОРНИНГ ЖИГАРРАНГ БУЖМАЙИШ ВИРУСИ

Помидорга жигарранг бужмайиш вируси тушганда, зарарланган барглари банди пастга қараб қийшайди. Поя ва баргларида зарарланган жойлар яшил, намлик билан тўйинган ноаниқ шаклдаги йирик доғлар кўринишига эга бўлади.

тошқа ва помидорда, шунингдек итузумгудлошлар оиласига мансуб бегона ўтларда сақланиши мумкин. Касалликнинг ривожланишига салқин ва нам об-ҳаво қулай имконият яратлади.

Кучли зарарланганда ниҳоллар кўпинча нобуд бўлади. Катта ёшли ниҳобатан йирик ўсимликларда касалликнинг биринчи белгилари анча қари барглари сарғайиши кўринишида намоён бўлади.

Зарарланган барглари сўлийди ва қуриб қолади, аммо тўкилиб кетмайди. Зарарланган ўсимликларда қўшши кунларда кундузи сўлиши кузатилади ва улар кўпинча ўсишдан тўхтайдилар.

С.ЖЎРАЕВ, А.ПАРДАЕВ Олтинсой туманига масъул 1-тоифали агроном инспекторлар.

«ЯХШИЛАР БОР ДУНЁДА»

Яқинда Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётда олтинсойлик ижодкор Ойнахоҳ Мамазиёвнинг «Яхшилар бор дунёда» номли янги китоби нашрдан чиқди.

Ойнахоҳ Мамазиёева «Ботоси» маҳалласида туғилиб ўсган. Шу ердаги 46-умумий ўрта таълим мактабиде она тили ва адабий фанидан дарс берди. Унинг 1913 йилда «Кўнгул навоси», 2019 йилда «Кўларимнинг қарогансан, Ватаним», 2020 йилда «Менинг отам» номли шеър йиғинлари нашр этилган.

да тонг оқарётганда, ёки қуёш чарқлаб чиқа бошлаётганда шоир қалами оппоқ қоғоз устида ойга уяётган учқур отдек чопиб кетади.

«Шеър ёзиш осон иш эмас. Ҳар қим ҳам қўлига қалам олгани, қоғоз қоралагани, теварак-атрофидагилар қарсақ чалиб олқилгани билан қариш шоир бўлиб қолавермайди.

Уз туғилган юрти Сурхон воҳаси ҳақидаги шеърларида Ватани қанчалар севишини илғаб олиш қийин эмас. Мисол учун «Юрагимга яқин одамлар», «Сурхоним», «Сурхон фарзандиман», «Олтинсой қизиман» каби шеърлари ана шулар жумласига кирувчи юрт ҳақидаги жўшқин шеърларидир.

КОНСТИТУЦИЯ

Конституция эрк ва онг, Юртим сенга отди тонг. Қонунларинг устувор, Ҳар бандида ҳикмат бор.

Узун туманида яшовчи фуқаро Халияров Равшан Абдумуратовичга 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75Х112 ВА бўлган, «ГБАСПГЛАСЕТТИ» энгил автотомашинасига 2011 йил 19 ноябрда Денов 1-ТРИБ томонидан берилган ААС № 3003306 рақамли техник паспорт йўқолганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.

МУАССИС: Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгаши ва туман ҳоқимлиги

Бош муҳаррир: ТЕМИРОВ НОРМУРОД ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ Тахририят манзили: 190700 Олтинсой туман, Амир Темур кўчаси, 5-уй. Тел: (91) 906-66-83, (0376) 47-75 755

Газета Сурхондарё вилоят Матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасида № 11-072 рақам билан 2017 йил 7 августда қайта рўйхатга олинган.

Газета «Халқ ва ҳаёт» газетаси тахририятда терилди ва саҳифаланди. Навбатчи: О.СОДИҚОВ Саҳифаловчи: Ҳафиза ҚУЛАНОВА Нашр кўрсаткичи 822.

Сотувда эркин нарҳда. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета «Денов босмаҳонаси» МЧЖда А-2 ҳажмда 3300 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-283 Топшириш вақти 09:00, топширилди 09:00да. Босмаҳона манзили: Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 247-уй.